O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ 3105093




# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 6 май, № 90 (4753) Чоршанба


# ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР – ФАРОВОНЛИК ГАРОВИ

Uzbekistan AGROMINITECH EXPO 2009

***Кеча Тошкентдаги "Ўзэкспомарказ" мажмуида "Uzbekistan Agrominitech Expo – 2009" қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг тўртинчи Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдоси очилди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ҳамда Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси томонидан ташкил этилди.***

КЎРГАЗМА

Кўргазмада бўлганимизда, бир фермер билан танишиб қолдик. У Андижон вилоятининг Кўрғонтепа туманидаги чорвачилик ва деҳқончиликка ихтисослашган "Оқ сув" фермер хўжалиги раҳбари экан. Суҳбат асносида маълум бўлдики, қишлоқ мулкдори тасарруфида 245 гектар экин майдони, 225 бош наслли қорамол бор. Ҳар йили қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил олиб, шартномавий режаларни ортиғи билан бажаради. Соғиб олинган сут эса шартнома асосида буюртмачиларга тайёр маҳсулот сифатида етказиб берилади. Даромад ҳам шунга яраша. Бу эса хўжаликда меҳнат қилаётган 231 кишининг рўзғори бут бўлишини таъминлаётир.

Бугун уни вилоятда кўпчилик нафақат фермер, балки тажрибали тадбиркор сифатида ҳам яхши билади. Гап шундаки, фермер хўжалиги қошида сутни қайта ишлаш цехи фаолият кўрсатаётган бўлиб, бу ерда салкам 10 турдаги сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Германия ва Туркия технологиялари асосида тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифати юқорилиги боис улар Фарғона водийсидан ташқари, пойтахт аҳолиси дастурхонига ҳам тортиқ қилинаяпти.

(Давоми 2-бетда).



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

***Президентимиз кўп бор таъкидлаганларидек, ёшларимиз маънавий етук, зукко ва билимдон, спорт майдонларида чиниққан мард фарзандлар бўлиб камолга етишлари керак. Шу мақсадда ёшларни узлуксиз спортга жалб этишнинг уч босқичли тизимига асос солинди. Булар умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган "Умид ниҳоллари", академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида уюштириладиган "Баркамол авлод" ва олий ўқув юртлари талабаларининг "Универсиада" мусобақаларидир. Эътиборлиси, жаҳоннинг ҳеч бир давлатида учрамайдиган ушбу узлуксиз спорт тизимида мамлакатимизнинг барча ёшлари қамраб олинади.***

UMID NIHOLLARI

## «Умид ниҳоллари»: ГУЛИСТОН ЁШЛАРГА МУНТАЗИР

Яна саноқли кунлардан сўнг Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳрида уч босқичли спорт тизимининг дастлабкиси — умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг "Умид ниҳоллари — 2009" спорт ўйинлари республика босқичи бошланади.

Вилоятда мамлакатимиз ёшларининг камолот ва гўзаллик байрамига қизғин ҳозирлик кўрилди. Биз ушбу мақоламизда ана шу тараддуд ҳақида ҳикоя қилишга уриндик. Лекин вилоятнинг турли манзилларида ажиб бир меҳр ва шижоат билан барпо этилаётган бунёдкорлик масканларини фақат кўзингиз билан кўрсангизгина, тасаввурингиз тўлиқроқ ҳосил бўлиши мумкин, албатта. Амалга оширилаётган ишлар қамровини сўз билан таърифлаш мушкул. Қисқа фурсатда жаҳон андозаларига мос равишда бунёд этилган ва этилаётган бир-биридан кўркам бинолар меъморий ечимларининг бетакрорлиги кишини лол қолдиради.

Вилоят ҳудудида, айниқса, Гулистон шаҳрида қад ростлаган замонавий иншоотларнинг аксарияти ёшларга, уларнинг баркамол авлод бўлиб вояга етишлари, интеллектуал ва жисмоний салоҳиятларини рўёбга чиқаришлари учун йўналтирилганлиги қувонарлидир.

— Мен ҳаётим давомида кўп нарсани кўрдим, лекин ҳозиргидек қурилиш, ободончиликни ҳеч қачон кўрган эмасман, — дейди Гулистон шаҳридаги Турғун Аҳмедов номли маҳалла фаоли Матғози ота Жуманов. — Мусобақа муносабати билан шаҳримиз бутунлай ўзгариб кетди. Кенг ва равон кўчаларни қаранг, ҳавасингиз келади. Қурилишнинг сифати ҳам, суръати ҳам ўзгарди. Илгари бир идора ўзига янги бино қураман деса, 5-10 йилга чўзиларди. Ҳозир бир йилнинг ўзида миллиард-миллиард сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилмоқда. Энг муҳими, ишнинг сифати яхшиланди. Темир йўл вокзали, қатор-қатор коллежлар, вилоят маънавият ва маърифат маркази, хуллас, ҳаммасини санаб ҳам тугатолмаймиз.

(Давоми 4-бетда).



***Мамлакатимиз Конституциясининг 49-моддасида "Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини асрашга мажбурдирлар. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир", деб алоҳида белгилаб қўйилган. Шу асосда яратилган "Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида"ги ва "Архивлар тўғрисида"ги қонунларда маданий мерос объектларига муносабат масалалари қамраб олинган.***

## МАДАНИЙ МЕРОС муҳофазасининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланмоқда

Қадрият

Соҳадаги муносабатларни тартибга солиб келаётган яна бир қатор қонун ҳужжатлари мавжуд. Масалан, "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонунда тарихий обидаларни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари белгилаб берилган. "Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги халқаро конвенция ҳақида"ги Қонун эса мутлақо янги йўналишдаги ҳужжат эканлиги билан ажралиб туради. Чунки унда биринчи бор номоддий маданий мерос намуналари алоҳида ажратиб кўрсатилди.

Умуман олганда, истиқлол йилларида моддий ва номоддий маданий мерос объектларини сақлашнинг ҳуқуқий асослари тўла шакллантирилди. Ҳозирда ушбу ҳужжатлар соҳадаги ютуқларимиз гарови бўлиб келмоқда.

Маълумки, мамлакатимиз дунё тамаддуни ривожига катта ҳисса қўшган диёр. Буни Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хива, Шаҳрисабз, Қўқон, Марғилон, Термиз, Ғиждувон, Вобкент ва бошқа тарихий шаҳарларимиздаги 10 мингдан ортиқ меъморий ва тарихий обидалар ҳамда 700 мингдан зиёд кўчма маданий мерос объектлари тасдиқлаб турибди. Истиқлол шарофати билан ана шу обидаларнинг 7 минг 200 га яқини, кўчма маданий мерос объектларининг эса аксарияти давлат муҳофазасига олиниб, асраб келинмоқда.

Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш ҳақидаги қарори асосида амалга оширилган ишлардан кўпчиликнинг хабари бор. Ўшанда Улуғбек томонидан Самарқандда бунёд этилган Расадхона, Улуғбек мадрасаси, Бухоро ва Ғиждувон шаҳарларидаги олим номи билан аталувчи мадрасалар, Шаҳрисабз ва Қарши шаҳарларидаги Кўкгумбаз масжидлари тўлиқ таъмирланган эди.

Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан амалга оширилган ишларнинг кўлами эса янада кенг. Масалан, Самарқанддаги Амир Темур мақбараси, Регистон мажмуаси, Бибихоним масжиди, Шаҳрисабздаги Дорут-тиловат ва Дорус-саодат мажмуалари ва яна бир қатор обидалар асл ҳолига келтирилди. Ҳозирда ушбу тарихий обидаларни кузатган меҳмонлар аждодларимиз салоҳияти ва усталаримизнинг маҳоратига қойил қолишмоқда.

(Давоми 3-бетда).

## ПРЕЗИДЕНТ КИТОБИ — ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

***Мамлакатимизнинг Сеулдаги элчихонасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда Жанубий Кореянинг таниқли сиёсий ва жамоат арбоблари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва мамлакатимиз дўстлари иштирок этди.***

Дунё нигоҳи

**Корея Республикаси Миллий ассамблеяси собиқ спикери Ли Ман-соп** Ўзбекистон Президенти ўзининг янги асарида ҳозирги жаҳон молиявий инқирози, унинг дунё иқтисодиётига таъсири ва аниқ бир мамлакат шароитида уни бартараф этиш йўлларини кенг ва теран таҳлил қилиб берган донишманд ҳамда глобал миқёсдаги арбоб сифатида китобхонлар олдида яна бир бор гавдаланганини қайд этди.

— Китобда, — дейди Ли Ман-соп, — ҳозирги жаҳон инқирозининг келиб чиқиш сабаблари, энг аввало, банк-молия тизимида ўсиб бораётган номутаносиблик, турли спекулятив амалиётларга берилиб кетган трансмиллий банк ва инвестиция институтлари фаолияти устидан етарли даражада назорат йўқлиги, бозор иқтисодиёти "ўзини ўзи тартибга солади" деган тасаввурларга ҳаддан зиёд берилиб кетилганлигида эканлиги тўғри таъкидланган. Ҳатто яқинда Лондонда бўлиб ўтган саммитда "катта йигирматалик" давлатларининг етакчилари иқтисодиётни тартибга солишда давлатнинг тутган ўрни, айниқса, ҳозир жаҳон иқтисодиётида юзага келган экстремал шароитда муҳим эканлигини бир овоздан эътироф этишди.

Ли Ман-сопнинг таъкидлашича, у Ўзбекистон Президенти томонидан ёзилган асосий асарлар, шунингдек, унинг назарияси ва раҳбарлигида Ўзбекистонда тадрижий ва босқичма-босқич амалга оширилиб келинаётган ислоҳотлар билан анчадан буён яхши таниш. "Сўнгги ўн йил ва асосан авж олаётган жаҳон молиявий инқирози нафақат асосий ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни амалга ошириш бўйича, балки жаҳон инқирози оқибатида юзага келган мураккаб вазиятдан чиқиш борасида ҳам Ўзбекистон томонидан танланган йўлнинг тўғри эканлигини аниқ кўрсатди", деди маърузачи. Таъкидландики, саноатни модернизация қилиш ва техник жиҳатдан янгилашда банк ва молия тизими фаолиятини такомиллаштиришнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши Ўзбекистонга ташқи салбий таъсирдан келаётган зарарни камайтириш ва асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг барқарорлигини таъминлаш имкониятини берди.

(Давоми 2-бетда).

# Мамлакат бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

## «Мақсад бир, ғоя бир, Ватан ягона!»



***Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро вилояти маданият саройида "Мақсад бир, ғоя бир, Ватан ягона!" мавзуида маданий-маърифий анжуман ўтказилди.***

Республика Байналминал маданият маркази вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда ташкил этган тадбирда рус, корейс, туркман, тожик, немис, поляк миллий-маданий марказлари фаоллари ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Анжуманда сўз олганлар мамлакатимизда барча миллат ва элатлар тинч-тотув, ҳамжиҳатликда яшаётганларини эътироф этдилар. Вилоятда айни дамда 80 миллатга мансуб аҳоли аҳилиноқ истиқомат қилаётганлиги айтиб ўтилди.

Анжуман иштирокчилари учун мавзуга оид фильм намойиш этилди. Миллий-маданий марказларнинг бадиий жамоалари, вилоят санъаткорлари ижросидаги концерт дастури барчага завқу шавқ улашди.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***

## Маҳалланинг обод гузари

***Андижон туманининг Бўтақора қишлоғидаги Мамажонов маҳалласида яна бир муҳташам гузар қурилиб, фойдаланишга топширилди.***

Вилоят "Матлуботсавдо" акциядорлик компаниясининг Найман ва Хартун савдо ишлаб чиқариш корхоналари ташаббуси билан қад кўтарган мазкур мажмуада савдо маркази, сервис хизмати шохобчалари ва қассобхона жойлашган.

Муҳими, гузар ишга тушиши билан ўнта янги иш ўрни яратилди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

## Халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти намойиши

**2009 йилнинг биринчи чораги якунларига кўра, республикамизда қурилиш ишлари ҳажмининг ўсиши**

**12,1**



**фоизни ташкил этди.**

Халқимизнинг ана шу бунёдкорлик ишлари натижасида ўтган даврда шаҳар ва туманлар, қишлоқларда кўплаб янги ишлаб чиқариш ҳамда ноишлаб чиқариш объектлари фойдаланишга топширилди. Мавжуд ижтимоий иншоотлар реконструкция қилиниб, таъмирдан чиқарилди.

"Шўртангазкимё" мажмуаси қошида бунёд этиладиган синтетик суюқ ёнилғи ишлаб чиқариш заводининг дастлабки техник-иқтисодий асослари тасдиқланди.

## Метан газидан суюқ ёнилғи

Мазкур лойиҳанинг умумий қиймати 2,8 миллиард АҚШ долларига тенг бўлиб, у Малайзиянинг "Petronas" компанияси маблағи жалб этилган ҳолда амалга оширилади.

— Ҳозир корхонамизда ишлаб чиқарилаётган метан газининг тозалик даражаси 98-99 фоизга тенг, — дейди "Шўртангазкимё" мажмуаси бош муҳандиси Тўлаган Жўраев. — Бу газ юқори сифатли синтетик суюқ ёнилғи тайёрлаш учун қулай хом ашё ҳисобланади. Қурилажак ноёб завод йилига 672 минг тонна дизель ёнилғиси, 278 минг тонна авиакеросин, 63 минг тонна суюлтирилган газ ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади.

Метан газидан синтетик ёнилғи ишлаб чиқарадиган бундай юқори технологик корхоналар дунёда саноқли бўлиб, унинг ишга туширилиши мамлакатимиз экспорт салоҳияти янада ортишини таъминлайди.

**Б. НОРҚОБИЛОВ,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***

## Истиқболли янги корхона

**Мингбулоқ туманида иш бошлаган "Мингбулоқ водий ипаги" хусусий корхонаси янги мавсумга тайёр ҳолатга келтирилди.**

Пиллачилик бўйича мутахассис Абдужаббор Ёрқинов ташкил этган корхона 30 тонна "кумуш тола"ни қайта ишлаш қувватига эга. Бу ерга хориждан замонавий технологиялар олиб келиб ўрнатилди. Айни чоғда маҳаллий ёшлардан 27 нафари технологик ускуналарни ўзлаштиришаяпти. Хусусий корхона пиллачилик хўжаликлари билан шартномалар имзолаб, уларга бўнак пулларини ҳам тўлаб берди.

"Мингбулоқ водий ипаги" тўла қувватга эришгач, ишчилар сони 72 нафарга етади.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***

# ПРЕЗИДЕНТ КИТОБИ — ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ли Ман-соп айни пайтда Ўзбекистон ҳукумати глобал иқтисодий таназзулнинг чуқурлашувини олдиндан кўра олгани, 2008 йилдаёқ ҳатто саноати ривожланган давлатларнинг барчаси ҳам мақтаниб кўрсата олмайдиган ўзининг Инқирозга қарши чоралар дастурини ишлаб чиққанини айтиб ўтди. Унинг фикрига кўра, ушбу дастур қисқа муддатли ва ўрта муддатли хусусиятларга эга бўлган ҳар томонлама комплекс чораларни ўз ичига олган бўлиб, мамлакатнинг нафақат жаҳон инқирозидан йўқотишларсиз чиқиш, балки инқироздан кейинги даврда юқори суръатларда иқтисодий ривожланиши учун мустаҳкам замин яратади.

“Мамлакатнинг Президент Ислом Каримов сиймосидаги оқилона ва узоқни кўра оладиган раҳбари бор экан, Ўзбекистон глобал иқтисодий инқироз оқибатида юзага келган ҳозирги қийинчиликларни муваффақият билан бартараф этишига менда ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ”, дея якунлади ўз мулоҳазаларини Ли Ман-соп.

**«Корея — Ўзбекистон» дўстлик уюшмаси президенти, «Шиндонг Энерком» компанияси раҳбари Ким Юн-сик**нинг таъкидлашича, Ўзбекистон бозоридаги кўп йиллик меҳнат тажрибаси шуни тасдиқлайдики, мамлакат Президенти Ислом Каримов раҳбарлигидаги ислоҳотларни тадрижий ва босқичма-босқич олиб боришда давлатнинг бош вазифани бажариши сиёсати ўзининг тўғри эканлигини тўла оқлади.

Давлатнинг бош ислоҳотчи вазифасини ўз зиммасига олиши, олдиндан қабул қилинган чора-тадбирлар натижасида мамлакат иқтисодиёти ўзининг яшовчан ва барқарорлигини намоён этди ҳамда энг муҳими, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш соҳасидаги ютуқларини бор овози билан эълон қилган баъзи мақтанчоқ давлатлардан фарқли ўлароқ, мамлакат аҳолиси ташқи инқирознинг салбий оқибатларидан имкони борича муҳофаза қилинди, деди Ким Юн-сик.

Маърузачи ҳукуматнинг Инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган қишлоқда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини устувор ривожлантириш, кичик тадбиркорлик ва фермер хўжалигини қўллаб-қувватлаши учун қилинаётган чора-тадбирларга алоҳида урғу берди. “Ўтган йиллар давомида Ўзбекистоннинг, асосан, қишлоқ жойларида бўлганимда, қишлоқ ҳаётининг сифат жиҳатидан ўзгарганини, сув ва газ таъминотининг яхшиланиши, янги мактаблар, коллеж ва ижтимоий инфратузилмалар объектларининг қурилиши, тиббиёт ва маиший хизмат соҳасининг ривожланиши ва энг муҳими — қишлоқда фермер хўжалиги ва кичик бизнеснинг муваффақиятли ривожланишини кузатдим.

Бу йил «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилинганлиги бежиз эмас. Президент Ислом Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури нафақат 2009 йилга, балки 2010 йилга белгиланган қишлоқ ривожланиш дастурини ўз ичига олиши муҳимдир. Бу демак, гап қишлоқда ҳаёт тарзини ҳар томонлама комплекс ривожлантириш, шу жумладан, аҳолининг яшаш даражаси ва даромадини кўтариш ҳақида боряпти”.

— Кўзда тутилган Инқирозга қарши чоралар дастури ва Президент китобида белгиланган қишлоқни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари, — деди Жанубий кореялик тадбиркор ва жамоат арбоби, — ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга оширишда хорижий сармояларнинг иштирок этиши учун асос бўлиб хизмат қилади.

Жумладан, таъкидланишича, Ким Юн-сик раҳбарлик қиладиган «Шиндонг Энерком» компанияси Ўзбекистоннинг Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида тўқимачилик ва ёғмой корхоналари қурилишида муваффақиятли қатнашмоқда ҳамда ўз фаолиятини мамлакатнинг барча вилоятлари бўйлаб кенгайтириш ниятида.

**Инглиз тилида чоп этиладиган машҳур «The Korea Post» журнали президенти-ношири, «Дўстлик» ордени соҳиби Ли Кёнг Сик** ўз маърузасида таъкидлашича, “Ўзбекистон халқи нафақат ҳозирги жаҳон иқтисодий инқирозини танқидий жиҳатдан таҳлил қилиб берган, балки ўз юрти иқтисодиётини ушбу инқироздан олиб чиқиш йўлларини кўрсатиб берган, инқироз ҳолатидан чиқишга оид аниқ ҳаракатлар дастури билан ўз халқини қуроллантирган Йўлбошчиси билан ҳар қанча фахрланишга ҳақли. Эътиборли жиҳати шундаки, бу воқеа кўплаб бошқа давлатларнинг раҳбарлари бутунлай ташқи вазият таъсирига боғланган ҳолда, саросима ва иложсизлик ҳолатидан чиқа олмаётган бир пайтда содир бўлди”, деди у.

Ли Кёнг Сикнинг фикрига кўра, бутун китобда яққол кўзга ташланган жиҳат, бу — давлатнинг ўз фуқаролари, уларнинг эртанги кунига нисбатан кўрсатаётган ғамхўрлигидир. Ўзбекистонда амалга оширилаётган бозор ислоҳотлари шароитида давлат томонидан мақсадли ижтимоий сиёсатнинг олиб борилиши, давлатнинг аҳоли бандлигини таъминлашга, ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга, ёшларнинг таълим олишларига қаратган эътибори — буларнинг барчаси муҳим аҳамиятга эга бўлиб, Ўзбекистонни бошқа айрим қўшни давлатлардан ижобий тарзда ажратиб туради.

“Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, жаҳон молиявий инқирози оқибатларини бартараф этиш борасида Ислом Каримовнинг китобида яққол кўриниб турган Ўзбекистонда ишлаб чиқилган ва қўлланилаётган тажриба бошқа давлатлар учун ҳам фойдали ва ижобий намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин”, дея ўз сўзини якунлади Ли Кёнг Сик.

Варшавада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг поляк тилида чоп этилган «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли китобининг тақдимоти ўтказилди. Тақдимотда Польша Республикасининг вазирлик ва идоралари, эксперт, таҳлилчи ҳамда ишбилармон доиралар вакиллари қатнашдилар.

Маросимда сўзга чиққан **Польша иқтисодиёт вазирининг ўринбосари М. Королец** Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз китобида жаҳон молиявий инқирозининг юзага келиш сабаблари ва моҳияти, инқирознинг иқтисодиётга салбий таъсири, юз берган вазиятдан чиқишнинг йўллари, шунингдек, Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари чуқур ҳамда атрофлича таҳлил этганини таъкидлади.

“Камдан-кам давлат раҳбарлари кечаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан ўз фикрини билдирмоқда. Мазкур китобда кўрсатилган инқироздан чиқишнинг йўллари ва чораларини ўрганиш ҳамда таҳлил этиш Польша учун жуда муҳим. Бугун инқироз туфайли дунёнинг кўплаб мамлакатларида ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмининг камаяётгани кузатилаётган ҳамда ишсизлик даражаси ортиб бораётган бир пайтда ушбу ҳодисаларнинг оқибатларини бартараф этишда Ўзбекистон тажрибасини ўрганиш ниҳоятда долзарб аҳамият касб этади”, дея ўз сўзида давом этди М. Королец.

М. Королецнинг айтишича, Ўзбекистон раҳбари юзага келган мураккаб шароитда иқтисодий ривожланишнинг муҳим устувор йўналишларини холисона ва танқидий таҳлил асосида белгилаб берди ҳамда иқтисодиётдаги аниқ шарт-шароитлар ва вазиятни инобатга олган ҳолда биринчилардан бўлиб Инқирозга қарши чораларни ишлаб чиқишга киришди.

**«Жаҳон» АА.**

*Хабарингиз бор, мамлакатимиз парламенти юқори палатасининг ўн саккизинчи ялпи мажлисида Инқирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастурини сўзсиз бажариш борасида маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва масъуллиги тўғрисидаги масала кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинган эди. Унда Сенат комиссияси томонидан ўрганиш якунлари асосида тўпланган ва таҳлил этилган материалларни халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашларининг навбатдан ташқари сессияларида муҳокама этиш белгиланганди. Ана шу талабдан келиб чиқиб, яқинда Жиззах вилоятининг барча шаҳар ва туманлар кенгашларининг навбатдан ташқари сессиялари ўтказилди.*

# ФАОЛЛИК, ФИДОЙИЛИК, ЖОНКУЯРЛИК

## инқирозга қарши кураш йўлидаги муҳим омиллардандир

Жойлардан сайланган сенаторлар, депутатлар қатнашган мазкур сессияларда, аввало, ҳар бир туман ва шаҳарнинг Инқирозга қарши чоралар дастури қайтадан кўриб чиқилди. Доимий комиссияларнинг бу борада амалга ошириши лозим бўлган вазифалари белгилаб олинди.

Айтиш жоизки, бугунги кунда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг оқибатларини бартараф этиш, мамлакатимиз шароитида ушбу молиявий таназзул таъсирини енгиллаштириш, айниқса, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш энг долзарб масалалардан саналади. Бунда маҳаллий кенгашларнинг, ҳокимликларнинг масъулияти ниҳоятда каттадир. Буни Дастурнинг Жиззах вилоятида ижро этилишини ўрганиш якунлари хулосалари мисолида ҳам кўриш мумкин.

— Халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгаши ва ҳокимлиги томонидан Инқирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган вилоят дастури ишлаб чиқилган, — дейди Сенат ишчи гуруҳи раҳбари Бахтиёр Иминов. — Унга мувофиқ, Дастурни сўзсиз бажариш борасида маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва масъуллиги тўғрисидаги масала қатъий белгиланган ҳамда ижроси назоратга олинган. Юртбошимиз томонидан 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифаларни изчил рўёбга чиқариш, Инқирозга қарши чоралар дастурининг мазмун-моҳиятини ижрочиларга тушунтириш, уларни кенг жамоатчиликка етказиш борасида учрашувлар, давра суҳбатлари, мулоқотлар уюштирилган. Хусусан, яқинда Олий Мажлис Сенатининг ўн саккизинчи ялпи мажлисида кўрилган масалаларга бағишлаб давра суҳбати ўтказилди. Унда инқирознинг Ўзбекистонга таъсирини камайтириш чора-тадбирлари ялпи мажлис кун тартибидаги асосий масала бўлганлиги таъкидланди. Ўз навбатида, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари, доимий комиссиялар ва депутатлар томонидан бу борада олиб борилаётган ишлар етарли эмаслигига алоҳида эътибор қаратилди.

Умуман айтганда, бугунги кунда вилоятда мазкур йўналишда муайян ишлар бажарилган. Чунончи, вилоят кенгаши томонидан доимий комиссиялар раислари, депутатлар ва жамоат ташкилотлари вакилларидан иборат ишчи гуруҳи тузилиб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида ҳудудларга юборилган. Улар ўз навбатида, ушбу масалани ҳар томонлама ўрганишмоқда, тегишли тавсия ва таклифларни ишлаб чиқмоқдалар. Доимий комиссияларнинг инқироз шароитида аҳамияти катта. Амалдаги қонунчиликка биноан, улар дастлабки тарзда ижроия ҳокимияти бўлимлари, бошқармалари, бошқа структуравий бўлинмаларининг ҳисоботларини тинглаш ҳуқуқига эга. Демакки, ҳар бир туман ва шаҳарнинг Инқирозга қарши дастури ижросини назорат қилишда доимий комиссиялар жонбозлиги муҳим аҳамиятга эга.

— Вилоятимизда Инқирозга қарши чоралар дастурининг ижроси қатъий амалга оширилмоқда, — дейди халқ депутатлари Жиззах вилояти кенгаши доимий комиссияси раиси Х. Шукуров. — Буни иқтисо-

### Маҳаллий кенгашларда

диётимиздаги ўзгаришлар, соҳада амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар ҳам тасдиқлайди. Хусусан, жорий йилнинг биринчи чорагида ялпи ҳудудий маҳсулот 106,1 фоизни, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 106,3 фоизни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 105,2 фоизни, капитал қўйилмалар ҳажми 132,7 фоизни ташкил қилди. Банклар томонидан хўжалик юритувчи субъектларга ажратилаётган кредитлар эса уларнинг барқарор фаолият юритишига омил бўлмоқда. Жумладан, чорак давомида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 34,6 млрд. сўм кўп кредит ажратилган. Бунда 17,4 млрд. сўм кредит маблағлари тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига йўналтирилгани айни муддао бўлди. Аҳолини иш билан таъминлаш, мавжуд иш ўринларининг барқарорлигига эришиш инқироз давридаги муҳим жиҳат. Шу боис вилоятда биринчи чорак давомида 8882 та янги иш ўрни яратиш белгиланган бўлиб, амалда 8988 нафар киши ишли бўлгани бажарилаётган тадбирларнинг маҳсули, албатта. Касаначилик асосида чорак давомида жами 597 та иш ўрни яратилгани, улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматлар ҳажми 78,9 млн. сўмни, фойдаланилган солиқ имтиёзлари 14,2 млн. сўмни ташкил этгани, айниқса, эътирофга сазовордир. Буни янада жонлантириш масаласига вилоят, туманлар ва шаҳар кенгашларида алоҳида эътибор қаратилганининг сабаби аслида шундан.

Маълумки, инқироз шароитида нарх-навонинг сунъий ўсиб кетишига йўл қўймаслик, ички бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг аҳамияти катта. Бу ўз навбатида, фуқароларни инқирознинг салбий оқибатларидан асрашда қўл келади. Х. Шукуровнинг сўзларига кўра, вилоятда чорак давомида сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш прогноз кўрсаткичи сифатида 248 тонна деб белгиланган. Амалда эса бу кўрсаткич 274 тоннага ёки 110,5 фоизга бажарилгани жиззахликларнинг дастурхонига файз-барака киритаётир. Бунда, албатта, гўшт ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,2 минг тоннага, сут ишлаб чиқариш 4,7 минг тоннага, тухум етиштириш 1691 минг донага ўсганлигини таъкидлаш ўринлидир.

Вилоятда биринчи чорак якунлари бўйича белгиланган кўрсаткичларнинг бажарилиши таъминланган ва кутилган мақсадларга эришилган. Шундай бўлса-да, йил якунигача бир қатор йўналишларда амалга оширилиши зарур бўлган, ўз навбатида, жаҳонда юз бераётган молиявий-иқтисодий инқирознинг вилоят иқтисодиётига, айниқса, иш билан бандликка салбий таъсирини юмшатишга қаратилган дастурларда белгиланган кўрсаткичларни бажариш бўйича олиб борилаётган ишларни жонлантириш лозимлиги кўзга ташланади. Хусусан, жами 43179 та янги иш ўрнини яратиш, ҳудудий инвестиция дастурига кирган йирик лойиҳаларни белгиланган муддатларда амалга ошириб, ҳаётга татбиқ қилиш масаласи тобора долзарблик касб этмоқда.

— Депутатлик — масъулиятли вазифа, — дейди сенатор Нодира Каримова. —Зеро, у сайловчилар ишончини оқлаши, уларнинг кундалик ташвишлари билан яшаши, ҳудудий масалаларни ҳал этишда фаол, фидойи, жонкуяр бўлиши талаб этилади. Қолаверса, бугунги инқироз шароитида уларнинг масъуллиги, жонбозлиги яна бир карра ортади. Негаки дунё мамлакатларини ташвишлантираётган таназзулнинг салбий оқибатларидан вилоят иқтисодиётини асраш чораларини кўриш, маҳаллий дастурнинг ижросини қатъий назоратга олиш вилоят, туман ва шаҳарлар кенгашлари депутатлари, доимий комиссиялари зиммасидаги устувор вазифага айланмоқда. Бироқ ушбу масалага айрим депутатларнинг панжа ортидан қараётгани кишини таажжублантиради. Чунки мулоқотлар чоғида баъзи депутатлар нафақат жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, унинг мамлакатимиз иқтисодиётига салбий таъсири, кўрилаётган чора-тадбирлар, балки ўзи аъзо бўлган доимий комиссияга тааллуқли масалалар, ҳатто туманнинг иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлари хусусида аниқ тасаввурга эга эмасликлари кўзга ташланганлиги ачинарли ҳолдир.

Хулоса қилиб айтганда, иқтисодий танглик ҳар бир фуқаро зиммасига катта масъулият юклайди. Мавжуд ресурсларимиздан самарали фойдаланиш, тежамкорликни кучайтириш, маблағ ва хом ашёнинг ортиқча сарф этилишига барҳам бериш — бугунги куннинг оқилона тадбирларидандир. Бунда, табиийки, маҳаллий кенгашлар депутатларининг фаоллиги, масалага жонбозлик билан ёндашиши, энг муҳими, бу борада аҳоли билан баҳамжиҳат иш олиб бориш катта самара беради. Зеро, фидойилик, жонкуярлик инқирозга қарши кураш йўлидаги энг муҳим омиллардандир.

**Қобил ХИДИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР — ФАРОВОНЛИК ГАРОВИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Тадбиркорликка қўл уришимизга Президентимиз ташаббуси билан анъанавий ўтказиб келинаётган минитехнологиялар ва ихчам ускуналар кўргазма-савдоси сабаб бўлди, — дейди фермер. — Кўргазма залларини айланиб юрганимда, ногаҳон германиялик ишбилармонларнинг сутни қайта ишлаш ускунаси эътиборимни тортди. Ихчам, нархи ҳам қиммат эмас. Ўйлаб кўрсам, мабодо уни сотиб олсак, сут савдосидан тушадиган маблағимиз бир неча баробарга кўпайиб, қўшимча иш жойи очиларкан. Дарҳол шартнома туздик, шу асосда сутни қайта ишлашни йўлга қўйдик.

Ҳозирда ушбу цехда кунига 2-2,5 тонна сут қайта ишланаяпти. Маҳсулотлар эса бежирим идишларга қадоқланган ҳолда истеъмолчиларга етказиб берилмоқда. Натижада ўтган йили шунинг ўзидан 27 миллион сўм соф фойда кўрилди. Дарҳақиқат, Юртбошимиз таъкидлаганидек, замонавий техника ва технология учун сарфланган бир сўм эндиликда ўн баробар бўлиб қайтаяпти. Фермер бу маблағ ҳисобига фаолиятини янада кенгайтирмоқчи. Шу мақсадда бу йилги кўргазма-савдода сутни қайта ишлайдиган қўшимча ускуналар ҳамда замонавий қадоқлаш линиясини сотиб олмоқчи.

Бу воқеани ҳикоя қилишдан мурод шуки, Алижон Аҳмедов — халқаро кўргазма-савдо шарофати туфайли республикамизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйган юзлаб фермерлардан бири. Негаки 2006 йилдан буён ташкил этилаётган ана шу тадбирларда 15 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари ва агрофирмалар, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари иштирок этиб, кўплаб миқдорда замонавий технологиялар сотиб олишди. Натижада ўтган даврда улар томонидан умумий қиймати 41,9 миллиард сўмлик 1157 та лойиҳа амалга оширилди. 5 мингдан ортиқ



янги иш ўрни яратилиб, 27,8 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Айниқса, замонавий технологиялар ёрдамида тайёрланаётган маҳсулотлар импорт ўрнини босишга йўналтирилгани ғоят аҳамиятлидир.

Таъкидлаш керакки, бу галги кўргазма-савдо, аввалги йилларда тўпланган тажрибадан келиб чиққан ҳолда, юқори савияда ташкил этилди. Унда Австрия, Германия, Италия, Хитой, Туркия, Польша сингари дунёнинг 25 давлатидан 190 дан ортиқ компания ва фирмалари иштирок этиб, ўз маҳсулотларини таклиф қилаётгани аслида фермер ва тадбиркорларимиз талаб-истаклари инобатга олинганининг самарасидир.

— Биз кўргазмада гўштни қайта ишлаш ускуналари ва қадоқлаш жиҳозлари билан иштирок этаяпмиз, — дейди Австриядаги “Shaller Lebensmitteltechnik” компаниясининг Ўзбекистондаги бош вакили Елена Шарипова. — Бу технологиялар ёрдамида хом ашёни қайта ишлашдан тортиб, тайёр маҳсулотни қадоқлашгача бўлган бутун бир жараён бажарилади. Унинг яна бир афзаллик жиҳати шуки, ҳатто балиқ ва парранда маҳсулотларини ҳам қайта ишлаш мумкин. Эътиборлиси, Ўзбекистонда бундай ускуналарга талаб катта. Кўргазманинг биринчи иш кунида 2 та минитехнология савдоси бўйича келишувга эришганимиз бунинг исботидир.

Айтиш жоизки, 2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан кўргазма-савдонинг мавзу кўлами ҳам анча кенгайди: 100 дан зиёд йўналишлар қамраб олинди. Мева-сабзавот, гўшт-сут маҳсулотлари, қоракўл терисини қайта ишлаш ускуналари, ун ва омихта ем ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги ҳамда иссиқхона учун минитехнологиялар ва ҳимоя воситалари ана шулар сирасига киради.

Тадбирда мамлакатимизнинг тижорат банклари, лизинг ҳамда суғурта компаниялари иштирок этаётгани ҳам унинг янада самарали фаолият юритишини таъминлаяпти. Сабаби, улар мижозларга шу ернинг ўзида тезкор хизматлар кўрсатиб, тегишли маслаҳат бермоқдалар.

Кўргазма-савдо доирасида, шунингдек, хорижнинг замонавий технологиялари тақдимотлари, фермерлар учун махсус семинарлар ўтказилаётгани иштирокчиларга маъқул бўлмоқда. Буларнинг бари, табиийки, томонлар ўртасида узоқ муддатли ҳамкорлик алоқаларининг ўрнатилишига хизмат қилмоқда. Бундай алоқалар эса пировардида ички бозорнинг импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан янада тўлишига хизмат қилади, албатта.

IV Халқаро ихтисослаштирилган қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналар кўргазма-савдосининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. Шоисматов иштирок этди.

**Икром ЎТБОСАРОВ,**
**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

### Тадбир

***Пойтахтимизда Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан медиа-кунлари ташкил этилди.***

# ОЗОД ЮРТ ТЎЛҚИНЛАРИ

Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган ушбу тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар вакиллари, мамлакатимизда фаолият юритаётган 150 га яқин нодавлат телестудияларнинг раҳбарлари, ёш журналистлар иштирок этишди.

Эътироф этиш керакки, мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари фаолиятини либераллаштириш, моддий-техника базасини модернизация қилиш, уларнинг мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш, медиабозорини ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Бунда Президентимиз Ислом Каримовнинг оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, уларнинг эркин фаолият юритиши учун қулай имкониятлар яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги Фармон ва қарорлари ижобий натижа бераётир. Бу ҳақда Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси Ф. Абдуҳолиқов алоҳида тўхталиб ўтди.

Медиа-кунлари доирасида “Озод юрт тўлқинлари” медиа-фестивали, давра суҳбатлари ва семинар-тренинглар ҳам бўлиб ўтди. Унда нодавлат оммавий ахборот воситалари ва журналистларнинг демократик-ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамияти қуришдаги фаоллигини ошириш, миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий йўналишдаги телерадиомаҳсулотлар таъсирчанлигини юксалтириш, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар мазмунини ёритиш вазифалари, хусусан “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” давлат дастури, молиявий инқирозга қарши курашиш дастурини кенг ёритиш каби масалалар атрофлича кўриб чиқилди.

Медиа-кунлари якунида “Озод юрт тўлқинлари” медиа-фестивали ғолиблари эълон қилинди. Демократлаштириш ва модернизация қилиш жараёнлари ҳақидаги қатор материаллар учун “Ҳудуд” ахборот-таҳлилий дастури, ижтимоий телерадиороликлар йўналиши бўйича Бухоро шаҳридаги “Истиқлол” телевидениеси, миллий қадриятлар, жамиятнинг маънавий ривожланишини ифода этувчи қатор кўрсатувлари учун Сурхондарё вилоятининг “Ишонч” телевидениеси жамоаси ғолиб деб топилди. Шунингдек, тақдирланганлар орасида “Пойтахт” радиостанцияси ва “Водий садоси” жамоатчилик телевидениеси, Жиззах телевидениеси, Марғилоннинг “Руxсор” телерадиостанцияси ҳамда “СТВ” Самарқанд телерадиокомпанияси каби ижодий жамоалар бор.

**ЎзЭОАВМА матбуот хизмати материаллари асосида М. ХОЛМАТОВА тайёрлади.**

***Мустақиллик бизнинг тафаккуримизга, яшаш тарзимизга беқиёс ҳуқуқий ислоҳлар киритди. Эндиликда турмуш тарзимиз тамойилларини қонунсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Қонунлар йўлларимизни нурафшон этиш билан бирга, бизни турли объектив ва субъектив таъсирлардан ҳимоялаяпти ҳам. Биргина “Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини олиб қарайлик. Бу қонун нафақат истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоялайди, балки аҳолининг истеъмол маданиятини юксалтиришга ҳам хизмат қилади.***

# ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИ

## ва манфаатлари қонунларимизнинг мустаҳкам ҳимоясидадир

Хўш, аҳолининг истеъмол маданияти нима ўзи?

Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси матбуот хизматининг маълумотларига кўра, ўтган йили федерация ва унинг ҳудудий тузилмаларига истеъмолчилардан 8169 та мурожаат келиб тушган. Бу кўрсаткич аҳоли мурожаатларининг 2007 йилга нисбатан 26 фоиз ортганлигини билдиради. Аризаларнинг 97 фоизи мазкур жамиятлар иштирокида ижобий ҳал этилган. Аниқроғи, истеъмолчиларга етказилган 635 миллион сўмдан ортиқ зарарнинг қопланишига эришилган. Агар бу рақамлар вилоятлар миқёсида таҳлил қилинса, истеъмолчилар ҳуқуқларининг муҳофазаси анчайин мустаҳкам эканлиги кўзга ташланади. Қолаверса, бу саъй-ҳаракатлар замирида фуқароларимизнинг ҳуқуқий тафаккури ошаётганлигини, аҳолининг истеъмол маданияти юксалаётганини ҳам кўрамиз.

Бир пайтлар дўкондан харид қилинган маҳсулотнинг муддати ўтиб кетган бўлса ёки сотиб олган чойнаги сифатсизроқ чиқса, кўпчилик ўз норозилигини қўл силташ билангина якунлаб қўя қоларди. Негаки, дўконга бориб пулини қайтариб олишга ёхуд молини сифатлироғи билан алмаштиришига кўзи етмасди. Бугун эса манзара бутунлай бошқача.

Навоийлик С. Умаров шаҳардаги “Электроника” савдо дўконидан яхши ният билан компьютер харид қилди. Аммо уйига келиб билдики, компьютерда анчагина носозликлар мавжуд экан. У дарров федерациянинг ҳудудий бирлашмасига мурожаат қилди ва компьютерини тезда бепул таъмирлатиб олди. Урганчда истиқомат қилувчи Л. Малишева ҳисоблаб кўрса, иссиқлик манбаи идораси ходимлари белгиланган хизматлар учун 64 минг сўм кўп ҳақ олишибди. Уларга бир айтди- икки айтди, масала ҳал бўлавермагач, ҳудудий бирлашмага мурожаат қилди. Бирлашма ходимлари аралашуви билан муаммо истеъмолчи фойдасига ҳал этилди. Ёки самарқандлик Н. Пейтуховнинг аризасини олиб қарайлик. Унинг аризаси шаҳар жамияти томонидан ўрганилганда, электр тармоқлари идораси истеъмолчига нисбатан нотўғри қарздорлик эълон қилган. Натижада нотўғри ҳисобланган 284 минг сўм миқдоридаги қарздорлик суд қарори билан истеъмолчи зиммасидан олиб ташланди.

Риштон туманидаги Қошқайрон қишлоғида яшовчи А. Жаҳонов ва Х. Жўраевнинг мурожаатлари эса сал бошқачароқ. Қишлоқда электр қуввати бирданига ошиб кетиб, уларнинг телевизори ва бошқа техник жиҳозлари ишдан чиқади. Улар электр тармоқлари идорасига бу ҳақда бир неча бор мурожаат қилишди, наф бўлмади. Ҳатто “Кўп овора бўлманглар, фойдаси йўқ, электрдагилар барибир ўзиникини маъқуллайди”, дегувчилар ҳам топилди. Сўнгра улар федерациянинг ҳудудий бирлашмасига мурожаат қилишди. Натижада истеъмолчиларнинг барча харажатлари туман электр тармоқлари идораси томонидан қоплаб берилди.

### Таҳлил

— Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қонунчилигига риоя этилиши юзасидан мунтазам мониторинглар ва социологик тадқиқотлар ўтказиб турамиз, — дейди Федерация матбуот хизмати бош мутахассиси Баҳодир Мирзабоев. — Масалан, ўтган йили 33,5 мингдан ортиқ мониторинг кузатувлари ташкил этилди. Бу мониторинг натижалари туфайли истеъмол товарларнинг касса чекисиз сотилиши, маҳсулотлар сифатини тасдиқловчи ҳамда ўрнатилган тартибдаги сертификат ҳужжатларини истеъмолчиларга тақдим этмаслик, санитария-гигиеник меъёрлари ва маҳсулотларни бериш қоидалари бузилиши ҳоллари аниқланди. Мавжуд қоидабузарликлар бўйича маълумотлар тегишли назорат-текширувчи органларга тақдим этилди.

Дарҳақиқат, инсон манфаатлари устувор даражага кўтарилган жамиятимизда қонунларимизнинг турмушимизга тобора изчиллик билан татбиқ этилиши бу нисбатнинг янада ҳаётийлигини таъминлайди. Зеро, бу тамойил Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси фаолиятидаги бош йўналишлардан биридир. Шу туфайли федерация истиқбол режаларининг асосини ҳам истеъмолчилар ҳуқуқлари ва манфаатларининг ҳимоя этилишини таъминлаш учун жамоатчиликни янада кенг жалб этиш, ички истеъмол бозорида сифати паст, одамлар ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирувчи маҳсулотлар сотилишига йўл қўймаслик устидан назоратни кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий ва истеъмол маданиятини ошириш каби масалалар ташкил этади.

Қонун офтобга ўхшайди — эзгу ниятли инсонлар йўлини ёритади, танига қувват, кўзига нур бағишлайди. Бадният касларни эса куйдиради ҳам. Офтобнинг улкан ҳароратидан қўрққанлар ўзини унинг панасига олишга уринадилар. Афсуски, офтобнинг сояси бўлмагани каби қонуннинг ҳам сояси йўқдир. Қонун жамиятимиз асосини, жумладан, Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси фаолиятининг ҳам бош мезонини ташкил этади.

**Алишер БОЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ФАН ВА ТЕХНИКА *янгиликлари*

### Занглашга қарши восита

“Композит” илмий-техника маркази томонидан иссиқлик тизими корхоналари учун янги технология таклиф этилмоқда. Мазкур технология қозонхона ва буғхоналардаги ускуна ҳамда жиҳозларнинг коррозияга чидамлилигини оширади. Шунингдек, куйинди ва қуйқа пайдо бўлишининг олдини олади.

Гап шундаки, тежамкор технология сувда туз ҳосил бўлиш жараёнини тўхтатади, ўсимликлар барги экстракциясидан олинган восита эса қуйқага қарши фойдаланишда қўл келади.

### Фойдали ва тежамли

Фарғона вилояти фан ва техника маркази тадқиқотчилари саноат корхоналарининг тасмали транспортёрлари таянч роликлари ўрнига графит тўлдирилган полимерли сирпаниш подшипникларини қўллаш технологиясини ишлаб чиқишди.

Иқтисодиётимизнинг енгил саноат, кимё, металлургия, машинасозлик тармоқларида қўлланилиши мумкин бўлган ушбу технология импорт ўрнини қоплайди.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ушбу технология ёрдамида ишлаб чиқаришда қўлланиладиган деталлардан ҳозиргидан кўра уч баравар узоқроқ муддат фойдаланиш мумкин.

### Экологик тоза доривор

Сўнгги пайтларда пахтачиликда туксизлантирилган чигит экиш кенг қўлланилмоқда. Негаки ушбу усулда уруғлик чигитнинг меъёрий сарфи гектарига 15-20 килограммга қисқаради.

Бунда ЎзРФАнинг Полимерлар кимёси ва физикаси институти олимлари томонидан яратилган экологик хавфсиз ЎзХитАН препарати қўл келмоқда. Бу препарат билан пахта чигитигина эмас, балки бошқа қишлоқ хўжалик экинлари уруғлари ҳам кимёвий дориланади. У ўсимлик унишини жадаллаштириш хусусияти билан ҳам аҳамиятлидир. Шунингдек, мазкур препарат пахта чигитини кимёвий туксизлантириш жараёнида ҳосил бўладиган экологик хавфли чиқиндиларнинг атроф-муҳитга таъсирини ҳам камайтиради.

**О. ПАРПИЕВ.**

# МАДАНИЙ МЕРОС

## муҳофазасининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бундан ташқари, Имом ал-Бухорий, Аҳмад ал-Фарғоний, Имом Абу Мансур ал-Мотуридий, Бурҳониддин ал-Марғиноний, Абдулхолиқ Ғиждувоний каби улуғ зотларнинг таваллуд саналари муносабати билан ўнлаб тарихий обидаларимиз қайта чирой очди. Қолаверса, тарихий шаҳарларимиз — Бухоро, Хива, Самарқанд, Термиз, Шаҳрисабз, Қарши, Марғилоннинг сана тўйлари шарофати билан қанчадан-қанча тарихий обидаларимиз асл ҳолига келтирилди.

Яна бир ютуғимиз шуки, бир нечта обидаларимиз “Бутунжаҳон маданий мерослари рўйхати”га киритилди. Жумладан, 1991 йилда Хивадаги “Ичан-қалъа”, 1993 йилда Бухоро шаҳрининг тарихий маркази, 2000 йилда Шаҳрисабзнинг Амир Темур ва темурийлар даври меъморчилик обидалари, 2001 йилда Самарқанд шаҳрининг тарихий ёдгорликлари ушбу рўйхатга киритилганлигини фахр билан айтиш мумкин. Бундан ташқари, 30 дан ортиқ обида: Оқ Остона Бобо, Араб ота, Ишратхона, Мир Саид Баҳром, Баҳоуддин Нақшбандий, Чор Бакр, Шайх Мухтор Вали, Ҳаким ат-Термизий, Работи Малик мажмуалари, Жарқўрғон ва Вобкент миноралари, Қирққиз саройи, Хон Банди тўғони ва бошқа бир қатор ёдгорликларни ушбу нуфузли рўйхатга киритиш учун дастлабки талабномалар тақдим этилган.

Айтиб ўтилганидек, мамлакатимизда яқингача номоддий маданий мерос объектлари ҳақидаги алоҳида қонун ҳужжати мавжуд эмас эди. Ҳозирда “Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги халқаро Конвенция ҳақида”ги Қонундан келиб чиқиб, соҳанинг ҳуқуқий асоси мустаҳкамланаётир. Айни пайтда номоддий маданий мерос намуналарини рўйхатга олиш ишлари муваффақиятли давом эттирилмоқда. Чунки уларнинг муҳофазасида рўйхат тузиш, идентификациялаш энг асосий ўрин тутади. Рўйхат қанчалик мукаммал бўлса, уларни ўрганиш ва муҳофаза қилиш ҳамда келгуси авлодга етказиш чораларини амалга ошириш шунчалик осон кечади.

Айтиш лозимки, мамлакатимизда мавжуд номоддий маданий мерос 6 та йўналишга тасниф қилинди. Улар сўз санъати, анъанавий мусиқа, томоша санъати, рақс, миллий ҳунармандчилик ва маданий муҳитдан иборат. Яқинда шу соҳа билан шуғулланадиган мутахассисларни жалб этган ҳолда ушбу 6 та йўналиш бўйича дастлабки рўйхат, яъни Миллий рўйхат ишлаб чиқилди. Ушбу рўйхат якунига етгач, унга киритилган номоддий маданий мерос объектларини яна бир бора ўрганиш, уларни идентификациялаш ва қисқа изоҳларини тайёрлаш, ҳар бирини видеотасвирга тушириш, лозим бўлган ҳолларда, аудио нусхаларини тайёрлаш, шунингдек, илмий-оммабоп фильмлар яратиш режалаштирилган.

Хабарингиз бор, 2003 йилда Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича халқаро Конвенция қабул қилингандан кейин “Бойсун тумани маданий муҳити” ва “Шашмақом мусиқаси” Жаҳон номоддий маданий мероси Репрезентатив рўйхатига киритилган эди. Яқинда ушбу рўйхатга яна иккита объект — “Наврўз” ва “Катта ашула”ни киритиш борасида таклифлар тайёрлаб, ЮНЕСКО қошидаги Ҳукуматлараро қўмитага тақдим этилди. Тез орада бу объектлар ҳам ушбу рўйхатдан ўрин олса, ажаб эмас.

Таъкидлаб ўтилган Конвенциянинг 15-моддасида номоддий маданий мероснинг муҳофазаси ва уни бошқариш ишларида жамиятлар, гуруҳлар ҳамда тегишли ҳолларда, алоҳида шахсларнинг фаол иштирок этиши мумкинлиги кўрсатилган. Ушбу меъёр талабидан келиб чиқиб, “Маҳалла” жамғармаси, Оқсоқоллар Кенгаши, “Камолот” ЁИҲ, Бастакорлар уюшмаси, Бадиий академия, “Олтин мерос” халқаро жамғармаси, «Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми», “Сен ёлғиз эмассан”, “Меҳр нури” жамғармалари, “Ҳунарманд” ва бошқа уюшма ҳамда нодавлат ташкилотлари ҳамкорликда фаолият кўрсатмоқда. Табиийки, бу ҳамкорлик самараси салмоқли бўлаётир.

Бундан ташқари, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ўтказиб келинаётган турли тадбир ва танловларнинг бу борадаги аҳамияти катта бўлаётганлигини ҳам айтиб ўтиш лозим. Мисол учун, ёш ҳунармандлар, бахши-шоирлар ва жировоқинлар, дорбозлар ва анъанавий цирк санъати жамоалари, фольклор-этнографик ансамбллари, лапар ва ўлан ижрочилари, аскиячи ва қизиқчилар ўртасида ўтказиб келинаётган турли танловларни қониқиш билан айтиш мумкин. Ҳар икки ёки уч йилда ўтказиб келинаётган бу танловлар янги истеъдодларни кашф этиш баробарида халқимизнинг номоддий маданий мерос намуналарига бўлган меҳрини оширмоқда. Айни пайтда бу улкан бойлигимизни дунё жамоатчилигига яқиндан таништиришда қўл келаётир.

Қисқаси, мамлакатимизда номоддий маданий мерос намуналари кўп ва ранг-баранг. Улар ҳуқуқий йўл билан сақланиб, ривожлантирилмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар тез орада самара бериб, сайёҳларни юртимизга янада кўпроқ жалб этишига ишонамиз.

**Б. ЮСУПОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# ТАРИХ ВА ЗАМОН КЎЗГУСИ


Даврон АҲМАД олган сурат.

**Шарқшунослик институти қошидаги Собир Раҳимов академик лицейида “Тошкент: тарих ва замон” деб номланган маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Пойтахтимизнинг 2200 йиллик юбилейига бағишлаб ўтказилган мазкур тадбирда ўқувчилар шаҳар ўтмиши билан боғлиқ тарихий воқеаларни жонли саҳна кўринишлари мисолида акс эттирдилар.**

**Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига**

Шунингдек, тадбир доирасида лицей ўқувчиларининг шаҳар тараққиётига ҳисса қўшиши мумкин бўлган қизиқарли бизнес-режалари тақдимоти ҳам ўтказилди.

— Пойтахтимиз юбилейи муносабати билан барча таълим муассасаларида ўтказилаётган бундай тадбирлар ёшларни ватанпарварлик, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир, — дейди Тошкент шаҳар ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Шавкат Жавлонов. — Қолаверса, бу ўқувчиларни ўз юрти ўтмишини янада чуқурроқ англашга, улуғ аждодлар қолдирган бой меросимизни асраб-авайлаш ва қадрлашга ўргатади. Бугунги танловда ҳам ёшлар Тошкент шаҳрининг тарихи билан боғлиқ билимларини синовдан ўтказишди. Танловга тақдим этилган бизнес-режаларда эса уларнинг бунёдкорликка интилиши, яратувчанликка бўлган иштиёқи ўз ифодасини топган. Шубҳасиз, бундай ўғил-қизлар келгусида шаҳримиз, юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга қодир шахс бўлиб етишса, ажаб эмас.

Тадбирда лицей ўқувчилари иштирокидаги концерт дастури намойиш қилинди. Унда ёшлар кўҳна ва ҳамиша навқирон Тошкентни мадҳ этувчи дилтортар куй-қўшиқлар ижро этишди.

**Муборак ОХУНОВА.**

**Анжуман**

***Термиз шаҳрида одам савдосига қарши кураш бўйича вилоят идоралараро комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.***

## Кун тартибида — долзарб масала

Унда вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси раҳбарлари, ҳудудий комиссиялар ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда одам савдосига қарши кураш борасида вилоятда олиб борилаётган ишлар чуқур таҳлил қилиниб, бу йўналишда йўл қўйилаётган камчилик ва муаммолар муҳокама этилди. Хусусан, вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан узоқ муддатга хорижга чиқиб кетган, турли сабаблар билан фуқаролик паспортини йўқотиб қўйган шахслардан 178 нафарига юртимизга қайтиш гувоҳномалари расмийлаштириб берилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Афсуски, вилоятда одам савдоси жинояти билан шуғулланганлар ҳам, ундан жабрланганлар ҳам бор. Жорий йилнинг дастлабки чорагида одам савдоси жиноятини содир этган 28 нафар шахсга нисбатан 27 та жиноят иши қўзғатилди. Одам савдосидан жабрланган 106 нафар фуқаро билан профилактик суҳбатлар ўтказилди.

Йиғилишда одам савдосига қарши кураш бўйича вилоят идоралараро комиссияси фаолияти самарадорлигини янада оширишга қаратилган қарор қабул қилинди.

**Н. ОЧИЛОВ.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Таҳлил нимани кўрсатди?

***Шу кунларда “евро” валютаси билан муомала қиладиган 16 мамлакатда ишсизлик даражаси ортиб бораётганлиги дунё ахборот агентликларининг асосий мавзуларидан бирига айланган.***

Мазкур давлатларда жорий йил охиригача ялпи ички маҳсулот ҳажми 4 фоизга қисқариши мумкинлиги тахмин қилинмоқда.

Европа комиссияси “еврохудуд”даги давлатлар иқтисодиётини таҳлил этиш жараёнида ана шундай хулосага келган. Молиявий ишлар бўйича Европа комиссари Хоакин Альмуниянинг сўзларига кўра, бу салбий ҳолат келгуси йилдан яхшиланади.

## Азага айланган тўй

***Туркиянинг жануби-шарқидаги Мардин шаҳрида ўтказилган никоҳ тўйи фожиали якунланди.***



Маҳаллий телеканаллар тарқатган хабарларда айтилишича, маросим авжига чиққан паллада ниқоб кийиб олган тўрт нафар қуролланган шахс тўйхонага бостириб кириб, одамларга қарата тартибсиз ўқ уза бошлаган. Оқибатда 45 киши ҳаётдан кўз юмган, олти киши жароҳатланган.

— Дастлабки текширув натижалари бу ишнинг террорчиликка алоқаси йўқлигини кўрсатди, — деди Туркия ички ишлар вазири Бешир Аталай. — Айни дамда маҳаллий прокуратура воқеа сабабларини ўрганмоқда.

## Олимлар ҳайратда

***Астрономлар галактикада янги астероидни аниқлашди.***

Бу самовий жисмга мутахассислар томонидан “2009 НС82” номи берилди. Унинг ҳажми ўртача 2-3 километр экани айтилмоқда. Айни пайтда астероид билан Ернинг ўртасидаги масофа 3,5 миллион километрни ташкил этади.

Изоҳланишича, самовий жисм 2000 йилдан буён Марс орбитаси атрофида ҳаракатланаётир. Бироқ ўтган тўққиз йил давомида олимлар уни кўрмаганларидан ҳайратдалар.

## Касаллик хавфи камайган

***Маълумки, Мексикада тарқалган AH1N1 вируси туфайли мамлакатдаги кўпгина муассасалар фаолияти вақтинча тўхтатилган эди.***



Ҳукумат грипп хавфи камайганлиги боис бугундан бошлаб ресторан ва кафеларнинг очилишига рухсат берди. 7 майдан кутубхона ва музейлар ўз ишини давом эттиради. Келаси ҳафта бошидан эса ўқувчилар мактабларига қатнашлари мумкин. Бу ҳақда “Евроньюс” телеканали хабар тарқатди.

Мутахассислар шунга қарамай, барчани ҳушёрликни йўқотмасликка даъват этмоқда.

## Рекорд янгиланди

***Англиялик спортчи Дэн Магнесс ўз маҳорати билан барчани қойил қолдирди.***



Гап шундаки, у тўпни ерга туширмай боши билан 24 соат давомида ўйнатиб, жаҳон рекордини янгилади. Бу вақт ичида у тахминан тўрт миллион марта тўпни ҳавога кўтарган. Магнесс шу орқали Гиннеснинг рекордлар китобига киритилди. Айтиб ўтиш жоизки, даъвогар спортчига ҳар соатда беш дақиқа дам олишга рухсат берилган.

Эслатиб ўтамиз, аввалги рекорд бразилиялик Мартиньо Эдуардо Орижега тегишли бўлиб, у 2003 йилда тўпни 19 соату 30 дақиқа ўйнатганди.

## Энг уйқучи ким?

***Жаҳонда энг уйқучи халқлар қайси эканини аниқлаш мақсадида Париж иқтисодий тараққиёт ва ҳамкорлик ташкилоти таҳлил ўтказди.***



Унга кўра, рўйхатда биринчи ўринни францияликлар банд этишган. Улар бир кеча-кундузда 9 соат ухлашаркан. Иккинчи ўрин америкаликларга тегишли — 8,5 соат. Япония ва кореяликлар ўртача 8 соат, британияликлар эса 7,5 соат ором олишар экан.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ, РАҚОБАТ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ**

**матбуот хизмати раҳбари**
**лавозимига танлов эълон қилади.**



**Номзодларга қўйиладиган талаблар:**

- *матбуот соҳасида камида 3 йиллик узлуксиз иш стажига эга бўлиш;*
- *илмий-иқтисодий мақолалар ёза олиш салоҳияти;*
- *иқтисодиётнинг реал секторлари иши билан таниш бўлиш;*
- *олий маълумотли;*
- *ўзбек ва рус тилларида ёза олиши;*
- *компьютерда ва интернетда ишлашни билиш;*
- *инглиз тилини билиш танловда имтиёз беради.*

446R/621

**Интилиш**

***Хоразм вилоятида асаларичиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаяпти. Бу борада воҳада ўзига хос тажриба тўпланган.***

## АСАЛАРИЧИЛИК ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

Ҳозир вилоятда 435 та деҳқон ва фермер хўжаликлари асал етиштириш билан шуғулланмоқда. Шу билан бир қаторда ушбу соҳани янада ривожлантириш чоралари кўрилаяпти. Бу йил асаларичилик хўжаликлари сони 74 тага кўпаядиган бўлди. Мазкур хўжаликларга ўз ишларини йўлга қўйиб олишлари учун тижорат банклари томонидан 163 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилади.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**ЕВРО ОКНА и ДВЕРИ**

**ПО ИНДИВИДУАЛЬНОМУ ЗАКАЗУ И ЕВРОПЕЙСКИМ КАТАЛОГАМ ИЗ ДЕРЕВЯННОГО МАССИВА**



*На самый изысканный вкус*

**Форма оплаты – любая.**
**Замеры и доставка – БЕСПЛАТНО.**
**Тел.: 775-45-75, 262-63-45.**
**Факс: 262-39-66.**

378/2011







“Ўзпахтасаноат” уюшмаси жамоаси “Андижонпахтасаноат” ҳудудий акциядорлик бирлашмаси бошқаруви раиси вазифасини бажарувчиси
**Ҳусан Ҳакимович ЮСУПОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

“Ўзбекэнерго” ДАК раҳбарияти Ўзбекистон энергетика тизимининг фахрийси Тўлқин Тошпўлатовга рафиқаси ва “Ўздавэнергоназорат” давлат инспекцияси бошлиғи ўринбосари Ботир Тошпўлатовга онаси
**Салтанат ҲАКИМЖАНОВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети жамоаси Ўзбекистон тарихи ва ҳуқуқ асослари кафедраси катта ўқитувчиси Файзулло Қурбоновга акаси
**Ўсар БЕРДИМУРОДОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети жамоаси Ўзбекистон тарихи ва ҳуқуқ асослари кафедраси доценти Мурод Инатовга падари бузруквори
**НИЯТ отанинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ «Тез пул ўтказиш» хизмати Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! ТЕЛ.: 237-21-93, 237-16-24. САЙТ: WWW.POCHTA.UZ E-MAIL: OAD@POST.UZ

